Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

16 СЕНТЯБРЬ, 1982 ЙИЛ, ПАЙШАНБА № 211 (2.617). Баҳоси 3 тийин.

ВАТАННИ СИФАТЛИ ПАХТА БИЛАН ҚУВОНТИРАЙЛИК

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борши тўғрисида шу йил 15 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Бухоро	2,36	27,27	0,28	0,45
Хоразм	2,47	22,90	1,17	3,94
Сурхондарё	1,89	17,37	1,04	6,45
Навоий	1,53	17,27	0,20	0,73
ҚҚАССР	2,02	15,20	1,05	2,20
Андижон	1,78	14,21	0,01	0,03
Наманган	1,73	14,06	0,26	0,62
Фарғона	1,91	13,38	0,15	0,21
Қашқадарё	1,60	13,00	0,65	2,19
Самарқанд	1,25	11,47	0,30	0,64
Тошкент	3,00	10,18	2,73	7,55
Жиззах	0,50	2,53	0,27	0,32
Сирдарё	0,56	2,38	0,29	0,59
Республика бўйича	1,75	14,01	0,68	2,11
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	1,72	14,35	0,85	2,69
Бухоро	0,51	12,89	—	—
Наманган	3,90	12,38	—	—
Навоий	3,04	10,72	—	—
Қашқадарё	0,81	7,05	—	—
Республика бўйича	1,45	11,88	0,48	1,67

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

КУЗНИНГ ҲАР ДАҚИҚАСИ ОЛТИНГА ТЕНГ

РЕСПУБЛИКАДА КУНЛИК ЎСИШ МАВСУМДА БИРИНЧИ МАРТА ЮЗ МИНГ ТОННАДАН ОШДИ. 15 СЕНТЯБРГАЧА РЕСПУБЛИКА ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА 825.259 ТОННА, ШУ ЖУМЛАДАН 46.342 ТОННА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ТОПШИРИЛДИ.

Пойтахт области далаларида ҳосилни Тошкент технологияси асосида механизмлар билан териб олиш қўлами шиддатли кенгаймоқда. **Бу ерда республика бўйича энг юқори кунлик ўсишга эришилиб, 12.900 тонна хом ашё тайёрланди. Ана шунинг 9.974 тоннаси бункерлардан бўшатилди. Бухоро, Фарғона, Андижон ва Хоразм областларининг меҳнаткашлари ҳам эл хирмонига кунига 10 минг тоннадан зиёд дурдона топширмоқдалар.**

Баъзи областларда бўлиб ўтган дастлабки ёғингарчиликлар очиқ қуйлар ганимат эканлигини эслатмоқда. **Ёғин-сочинсиз кунларнинг ҳар бир дақиқаси олтинга тенг. Шу боисдан ганимат дамлардан унумли фойдаланиб, терим суръатини янада оширайлик.**

Сурхондарё

Область далаларида механизациялашган терим қўлами тобора кенгаймоқда. Ленин йўли районидаги **Ленин номли совхознинг илғор механизатори Арабали Дўстмуродов бир кунда 24 тонна хом ашё терди.** У мавсум бошидан буён ўз агрегати бункеридан 239 тонна хом ашё бўшатди.

Ленин йўли райони механизаторлари агрегатларнинг кунлик иш унумини 3,9 тоннага етказдилар.

Қашқадарё

Косон райони заршунослари юбилей йилида она-Ватанга 21 минг тоннадан зиёд ипак пахта армуғон этиш мажбуриятини олишган. Бу ерда ана шу қимматбаҳо хом ашёни териш кун сайин авж олаётир. Юбилейолди мусобақасида Ленин номли колхоз меҳнаткашлари намуна бўлмоқдалар. Ўтган куни хўжалик азаматлари йиллик планнинг 3 процента миқдорида ипак пахта тайёрладилар. Колхоз заршунослари ҳозиргача 400 тоннадан зиёд олий сифатли «оқ олтин» тайёрлашга эришдилар.

Область пахтазорларида ҳосилни механизмлар ёрдамида териб олиш тобора авж олдирилаётир. **14 сентябрь куни теримда 872 машина иштирок этди. Китоб ва Нишон районларининг механизаторлари энг юқори иш унумига эришмоқдалар.** Бу районларда ҳар бир машинанинг кунлик ўртача иш унуми 3 тоннадан кўпроқни ташкил этаётир. «Зангори кема» капитанлари мусобақасида Ғузор районидаги **Гагарин номли совхоз механизатори Улаш Фармонов пешқадамлик қилмоқда.** У ҳар куни эл хирмонига 8 тоннадан зиёд аъло сифатли хом ашё тўкмоқда. Илғор механизаторнинг юбилей йилидаги марраси — 300 тонна пахта териш.

Наманган

Область пахтазорларида 147 минг теримчи тер тўкиб ишлаётир. Улар ҳар бирининг кунлик ўртача иш унуми 47 килограммни ташкил этмоқда.

Теримда **Янгиқўрғон, Наманган ва Уйчи районларининг меҳнаткашлари юқори иш унумига эришмоқдалар.** Бу районларда ҳар бир теримчи ҳисобига 53—55 килограммдан пахта терилаётир.

14 сентябрь Норин районидаги Ильич номли колхоз теримчиси **Инобат Боймирзаева,** Косон районидаги Худойбердиев номли колхоз теримчиси **Бахрихон Хўжаева,** Чуст районидаги Калинин номли колхоз теримчиси **Ҳайдаржон Аҳмаджоновлар** учун зарбдор иш куни бўлди. Шу куни уларнинг ҳар бири эл хирмонига 220—250 килограммдан хом ашё тўкдилар.

Шу кунларда область боғбонлари ҳам ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Улар давлатга 34 минг тоннадан зиёд ҳўл мева топшириб, йиллик планини муваффақиятли уддаладилар. Маҳсулот топшириш давом этмоқда.

Бухоро

Ғиждувон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз **механизаторлари бу йил ҳосилнинг 85 процентини машиналар ёрдамида териб олишга сўз беришган.** Ҳозир хўжалик далаларида 18 та «зангори кема» унум билан ишлатилаётир. Ҳар бир агрегатнинг кунлик ўртача иш унуми 4,7 тоннага етказилмоқда. Хўжаликда **ака-ука Абдулла ва Шароф Нормуродов, Толиб ва Нормурод Қулневларнинг оилавий экипажлари социалистик мусобақа голиблари бўлишмоқда.** Бу звеноларнинг ҳар бири кунига 11—12 тоннадан пахта теришга эришаётир.

Қоракўл районидаги «Правда» колхозининг **Сандназар Қорёгдиев бошлиқ бригадасида кунлик ўсиш йиллик планга нисбатан 13—15 процентни ташкил этаётир.** Машина теримида бригаданинг Тойқул Рўзиқулов, Сайфулла Худойқулов, Жумақул Рўзиев, Саттор Хайитов сингари механизаторлари юқори натижаларга эришялтилар.

Тошкент

Бекобод районида машина терими суръати тобора жадаллашмоқда. Ўтган куни район далаларида 130 терим агрегати ишлатилди ва улар ёрдамида 500 тоннадан зиёд хом ашё териб олинди. Ленин номли колхоз комсомолёшлар бригадаси бошлиғи **Бурҳон Аҳмедов юқори иш унумига эришди. У бир кунда ўз агрегати бункеридан 10,5 тонна «оқ олтин» бўшатди. Шу хўжалик механизатори Эсон Маҳмудов эса бир кунда 9 тонна пахта терди.**

Пискент районидаги **Тельман номли колхознинг Мухиддин Қодиров бошлиқ бригадаси планни бажарди. 65** гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил қўтарилди. **Механизаторлар Бахром Бўриев, Каримали** Абдуранмовларнинг фидокорона меҳнатлари **туфайли** бригадада **йиллик планнинг беш иш кунида бажарилиши таъминланди.** Бу механизаторларнинг ҳар бири кунига 12—15 тоннадан пахта термоқда.

Фарғона

Ленинград районидаги Энгельс номли колхознинг **СССР Олий Совети депутати Маҳбубахон Насриддинова бошлиқ бригадаси деҳқонлари областда биринчилар қатори пахта тайёрлаш йиллик планини муваффақиятли уддаладилар.** Бригада азаматлари 47 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнер уруғлик пахта териб олдилар ва эл хирмонига 188 тонна хом ашё армуғон этдилар. Бригада коллективи ўз имкониятларини чамалаб кўриб, 7 октябрга қадар ҳосилдорликни 65 центнерга етказиш мажбуриятини олди.

Тошлоқ районидаги **Ленин номли колхоздан Фозилжон Холматов оилавий звеноси ўтган куни хирмонга 920 килограмм «оқ олтин»** тўкди. 7 кишидан иборат бу оилавий звено ҳозиргача 4,5 тонна пахта теришга эришди. **Шу райондаги «Ленинград» колхозидан Тожихон Тўйчиева** ва **унинг оилавий звеноси эса бир кунда 630 килограмм пахта терди.** Тожихоннинг қизлари— Манзурахон, Шарифахон, Сапурахон ва Муҳаббатхонларнинг ҳар бири 140—150 килограммдан пахта термоқда.

ПОЙТАХТ ОБЛАСТИ ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИНИНГ ШИЖОАТИ ⊙ АРАБАЛИ ДЎСТМУРОДОВ БИР КУНДА 24 ТОННА, МАВСУМ БОШИДАН БУЁН 239 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТЕРДИ. ⊙ МАҲБУБАХОН НАСРИДДИНОВА БОШЛИҚ БРИГАДА 65 ЦЕНТНЕР УЧУН КУРАШМОҚДА ⊙ МАТЁҚУБ ОЛАМБЕРГАНОВ ОИЛАСИНИНГ ҲИММАТИ ⊙ БРИГАДАДА КУНЛИК ЎСИШ — 16,4 ПРОЦЕНТ.

Жиззах

Пахтакор районидаги **СоюзНИХИ тажриба хўжалигининг 2-бўлимида машина терими кенг фронт бўйлаб амалга оширилиятти.** Хўжалик далаларида 16 та терим агрегати юксак унум билан ишлатилмоқда. **Илғор механизаторлар Олтибой Қуржонов, Эрали Пирназаров, Ўразали Алибековларнинг ҳар бири агрегатлар бункеридан кунига 6—7 тоннадан хом ашё бўшатмоқда.** Бу йил бўлим пахтакорлари 473 гектар майдондан 1.655 тонна пахта тайёрлаш мажбуриятини қабул қилишган.

ҚҚАССР

Матёқуб Оламберганов оиласини Элликқалъа районидаги «Дўстлик» колхозида ҳамма ҳурмат қилади. Оила бошлиғи шу кунларда пахта ташиш билан банд, унинг ўғил-қизлари Зайнаб ва Ойгул, Ҳасанбой ва Отаназар, келинлари Зувар ва Хонимжонлар эса пахта теримида ғайрат кўрсатмоқдалар. Улар ҳар куни 1 тоннадан зиёд пахта теришмоқда. Уларнинг мавсум бошидан буён терган пахтаси 12 тоннадан ошди.

Навоий

Хатирчи районидаги **«Оқ олтин» колхозининг чевар теримчилари Асал Алимова, Мусаввар Ҳасанова, Гулбаҳор Қаландаровларнинг ҳар бири кунига 300 килограмм ва ундан ҳам ошириб дурдона теришмоқда.** Бу теримчиларнинг ҳаммаси мавсумда 15 тоннадан хом ашё териш мажбуриятини олишган.

Навбаҳор районидаги «Дружба» совхозининг **Уммат Яхшиев бошлиқ бригадаси азаматлари қўриқнинг ҳар гектаридан 20 центнердан ҳосил қўтариб, пахта тайёрлаш йиллик планини муваффақиятли уддаладилар.** Бригада деҳқонлари мавсум охиргача ҳар гектар ердан яна 10 центнердан ҳосил қўтариш мажбуриятини қабул қилишди.

Хоразм

14 сентябрь куни Гурлан районидаги **«Коммунизм» колхозининг Ёдгор Шомуродов бошлиқ бригадасида пахта тайёрлаш бўйича кунлик ўсиш йиллик планга нисбатан 16,4 процентни ташкил этди.** Шу куни қабул пунктига 66,6 тонна хом ашё топширилди. Агрегат бункеридан **бир кунда 10 тонна пахта бўшатган Заёмурод Саидов ва 9 тонна пахта терган Жуманиёз Исмоилов сингари механизаторлар барчага ўрнак бўлдилар.**

Қўл теримида **Тожигул Ўразбоева, Зайнаб Оллаберганова, Айтгул Тулубоева сингари чеварлар социалистик мусобақа пешқадамлари бўлишмоқда.**

Сирдарё

Боёвут райони маданият бўлими ташкил этган агитбригада аъзолари дала шийпонларида деҳқонларнинг азиз меҳмонлари бўлишди. Бу агитбригада составида бадиий ҳаваскорлар, сиёсий ахборотчилар, агитаторлар бор. Агитбригада коллективи Пушкин номли, «Ғалаба», Руцкий номли совхозларда, «Коммунизм» ва «Ленинизм» колхозларида бўлдилар.

Сирдарё районида медицина ходимлари дала ва шийпонларга тез-тез ташриф буюрмоқдалар. Улар профилактик кўриклар ўтказиб, зарур бўлганда пахтакорларга тиббий ёрдам бермоқдалар, лекция ва суҳбатлар уюштирмоқдалар. 14 сентябрь куни медиклар бригадаси Охунбобоев номли колхоз меҳнаткашлари ҳузурида бўлишди.

Андижон

Марҳамат район партия комитети ҳузуридаги матбуот маркази «Октябрь 50 йиллиги» колхозининг Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Абдуҳошим Аҳмедов бошлиқ бригадаси шарафига «Молния» чиқарди. Бу коллектив ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил қўтариш мажбуриятини олган. Улар суръатни тобора ошира бориб эл хирмонига ҳар куни 4,5—5 процент миқдорида пахта топширмоқдалар. **Теримда Ҳафиза Эшонова, Турсуной Бакирова, Санобар Бўтақулова сингари чеварлар мусобақа пешқадамлари бўлишаётир.** Уларнинг ҳар бири кунига 140—150 килограмдан пахта термоқда.

ФОТОРЕПОРТАЖ

БУНКЕРЛАР БАРАКАСИ

Пахтазорларда терим ишлари қизиб кетди. Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили ҳосили ортилган карвонлар тинимсиз пахтазорлов пунктлари томон қатнаб турибди. Об-ҳаво инжиқликларига, жазирама иссиққа қарши сабот ва маҳорат билан курашган деҳқонларнинг фидокорона меҳнати туфайли далаларда мўл-кўл ҳосил тўпланди.

Юбилей йилини зафарларга бурканш йўлида астойдил интилаётган Дўстлик районидаги Саркисов номли совхоз пахтакорлари ҳам йиғим-теримни қизғин бошлаб юборишдилар. Шу кунларда хўжалик далаларида ҳосилни йиғиштириб олиш авжида.

Совхознинг Шодмон Турсунов бошқарувчилик қилаётган бўлими пайкалларида ҳам ғўзалар серҳосил қилиб ўстирилди. Бўлим азаматлари бу йил пландаги 28 центнер ўрнига 35 центнердан чўл дурдонаси йиғиштириб олишга бел боғлаганлар. Чаман-чаман пахталар очилган эплоқ пахтазорларда «Зангори кема»лар жавлон урмоқда. Улкан «пўлат этаги» гиммо-лим тўлган терим агрегатларидан бири дала бошига чиққач, нарироқда, пайкал четида турган прицеп томон бурилди.

— Эргашнинг бешинчи тоннаси, — деди бўлим бошқарувчиси Ш. Турсунов. — Бугун 8 тоннага етказадиган шашти бор.

— Бу йил мавсумда 150 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олганмаи, — дейди илғор механизатор Эргаш Мамадалиев биз билан суҳбатда. — Шу кунларда биз, механизаторлар зиммасига масъулиятли вазифа юклатилганлигини яхши ҳис этган ҳолда ишлаямиз. Терим суръатини янада ошириш, ҳосилни тез ва қулай муддатларда сифатли қирибди. Об-ҳаво инжиқликларига, жазирама иссиққа қарши сабот ва маҳорат билан курашган деҳқонларнинг фидокорона меҳнати туфайли далаларда мўл-кўл ҳосил тўпланди.

Юбилей йилини зафарларга бурканш йўлида астойдил интилаётган Дўстлик районидаги Саркисов номли совхоз пахтакорлари ҳам йиғим-теримни қизғин бошлаб юборишдилар. Шу кунларда хўжалик далаларида ҳосилни йиғиштириб олиш авжида.

Совхознинг Шодмон Турсунов бошқарувчилик қилаётган бўлими пайкалларида ҳам ғўзалар серҳосил қилиб ўстирилди. Бўлим азаматлари бу йил пландаги 28 центнер ўрнига 35 центнердан чўл дурдонаси йиғиштириб олишга бел боғлаганлар. Чаман-чаман пахталар очилган эплоқ пахтазорларда «Зангори кема»лар жавлон урмоқда. Улкан «пўлат этаги» гиммо-лим тўлган терим агрегатларидан бири дала бошига чиққач, нарироқда, пайкал четида турган прицеп томон бурилди.

— Эргашнинг бешинчи тоннаси, — деди бўлим бошқарувчиси Ш. Турсунов. — Бугун 8 тоннага етказадиган шашти бор.

— Бу йил мавсумда 150 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олганмаи, — дейди илғор механизатор Эргаш Мамадалиев биз билан суҳбатда. — Шу кунларда биз, механизаторлар зиммасига масъулиятли вазифа юклатилганлигини яхши ҳис этган ҳолда ишлаямиз. Терим суръатини янада ошириш, ҳосилни тез ва қулай муддатларда сифатли қириб олиш авжида.

Совхоз меҳнаткашлари пахта тайёрлаш ҳалқ хўжалик планини СССР Конституцияси кунига қадар бажаришга азму қарор қилишган. «Зангори кема»лар шарофати, бункерлар баракаси туфайли хўжаликнинг юбилей йилидаги юксак хирмони кун сайин кўкка бўй чўзмоқда.

Э. ИБРОҲИМОВ.



Суратларда: 1. Совхоз директори Маматкарим Қулжонов (ўнгда), бўлим бошқарувчиси Шодмон Турсунов ва моҳир механизатор Эргаш Мамадалиевлар пахта сифатини кўздан кечиришмоқда. 2. Агрегат ёрдамида терим пайти.

Москваликлар ташаббусига қўшилиб

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ—ЮБИЛЕЙГА

Республика меҳнаткашлари москваликларнинг ташаббусини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар. Республика корхоналарида ва қурилиш майдонларида, колхоз ва совхозларида кўп кишилик митинглар бўлиб ўтмоқда. Бу митингларнинг қатнашчилари 18 декабрь куни ўз иш жойларида меҳнат қилиб, СССРнинг 60 йиллигини янгидан-янги меҳнат ғалабалари билан нишонлашга яқдиллик билан шай бўлиб турганликларини изҳор этмоқдалар.

Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмасида 14 сентябрь куни митинг бўлиб ўтди. Бирлашма меҳнаткашлари «Ҳамма коммунистик шанбаликка», «Зарбдор меҳнатимиз СССРнинг 60 йиллигига» деган шиорлар ёзилган плакатлар ва транспарантларни кўтариб ана шу митингга келдилар.

— Мен 18 декабрь куни бир ярим смена топширғини бажаришга аҳд қилдим, — деди тикувчи-мотористка Фарида Пўлатова митингда сўзга чиқиб. — Менинг дугоналарим Нафиса Умарбекова ва Дилбар Нишоновалар ҳам ана шундай юксак унум билан ишлаш ниятидадир. Биз шонли юбилейни беш йиллиқнинг уч йиллик программасини бажариш билан кутиб олишга қарор қилдик. Бирлашманинг бутун коллективини меҳнат байрамига қатнашишга чақираман.

«Қизил тонг» бирлашмасининг коллективи коммунистик шанбаликда эркак ва аёллар учун 180 минг сўмлик пальтолар тикишга қарор қилдилар. Бу маҳсулотнинг ярми Сифат белгиси қўйиб чиқарилади. Тикувчилар ишлаб топилган бутун пулни беш йиллик фондига ўтказадилар.

* * *

Самарқанддаги «Красный двигатель» заводи коллективи москваликларнинг 18 декабрда Коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини яқдиллик билан қўллаб-қувватлади. Шу куни тракторларнинг 500 комплект эҳтиёт қисмини ишлаб чиқаришга қарор қилинди. Бу эҳтиёт қисмларнинг ҳаммаси тежалган хом ашёдан тайёрланади.

* * *

Республикадаги кўпгина заводлар ва қурилиш трестларининг коллективлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўтказиладиган Коммунистик шанбалик учун конкрет план ва мажбуриятлар ишлаб чиқдилар. 18 декабрда ўз иш жойларида иборат ватанпарварлик ташаббусига ҳар куни кўплаб меҳнатчилар қўшилмоқда.

(ЎзТАГ).

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан Яман социалистик партия Марказий Комитетининг Бош секретари, Яман Халқ Демократик Республикаси Олий халқ Кенгаши Президиумининг Раиси, Бош министри Али Носир Муҳаммад 14 сентябрда расмий дўстлик визити билан Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. С. Соломенцев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН

ИЛМИЙ ЕЧИМЛАР ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАЛАР

Коммунистик қурилиш вазифаларининг бажарилишида совет халқини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат қорхоналарини хом ашё билан таъминлашда қишлоқ хўжалиги зиммасига жуда катта вазифа тушади. Буни КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми яна бир марта таъкидлади. Пленум қарорлари мамлакат экономикасини юксалтиришда, совет халқи фаровонлигини оширишда сифат жиҳатдан янги даврни бошлаб берди. Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленумидан бери ўтган даврда мамлакат экономикаси аграр секторида амалга оширилган ишларнинг натижаларини атрофлича таҳлил қилиб берди. Пленум қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг перспективаси, Озиқ-овқат программасининг мазмунини илмий асослаб берди, уни амалга оширишнинг йўл-йўриқ ҳамда манбаларини очиқ-ойдин кўрсатди.

Ўн биринчи беш йилликда қишлоқ хўжалик фани олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишда комплекс ёндашиш талаб этилади. Бунинг учун қатор институтлар, лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотларининг ижодий кучларини бирлаштириш лозим. Беш йилликда регионда 24 комплекс программа бўйича тадқиқот олиб бориш планлаштирилган бўлиб, шундан 7 таси Умуминтифоқ аҳамиятига эгадир. Жумладан, ғўзанинг эртапишар, вилтга чидамли навлари ва дурагайлари, мева-сабзавот ва узумнинг, дон ва дуккакли экинларнинг серҳосил навларини яратиш ҳамда жорий этиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириши саноат асосида кўпайтириш ва чорва моллар, паррандаларнинг барқарор ветеринария-санитария хизматини йўлга қўйиш, ер ресурсларидан комплекс фойдаланиш технологиясини жорий этиш, чорва озуқа базасининг қўшимча резервларини қидириб топиш кўзда тутилган.

ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими ғўзанинг эртапишар, вилтга чидамли навлари ва дурагайларини, ғўза парваришида ва пахта йиғим-терими технологик жараёнлари ҳамда асбоб-ускуналарини яратиш ва жорий этишга раҳбарлик қилади. Ана шу программага мувофиқ олимлар олдига ғўзанинг ҳосилдор, эртапишар, вилтга чидамли, IV—V тип толали, гектаридан 70—80 центнердан ҳосил, 40 процентгача тола чиқадиган, чигити сермой бўлган, йиғим-терими 10 — 15 октябргача тугалланадиган навларини яратиш вазифаси қўйилади. Шунингдек, I—II тип толали ипак пахта ғўза навини яратиш ҳам планлаштирилган. Айни пайтда ғўзанинг паст бўйли навларини яратиш вазифаси белгиланган. Ана шу ечимни кутаётган муаммоларни ҳал этишни тезлаштириш учун селекция ва уруғ навини синаш ишларини такомиллаштириш назарда тутилган.

Комплекс программада пахта сифатини ошириш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилган. Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топширишга бағишлаб Тошкентда ўтказилган тантанали мажлисда ўртоқ Л. И. Брежнев «Тайёрланаётган пахта сифатини оширишга алоҳида эътиборни қаратиш лозим», деб таъкидлаган эди. Бу вазифанинг ҳал этилиши учун селекция ва уруғчилик билан шуғулланувчи олимлар, агро-техниклар, механизаторлар ва ирригаторлар, ташкилотчи ва иқтисодчилар, шунингдек уни қайта ишлаш муаммолари тадқиқотчиларнинг куч-ғайратлари сафарбар этилиши лозим.

Комплекс программа тадқиқотлари Озиқ-овқат программаси бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари билан узвий боғланган бўлиб, уни бажариш учун Ўрта Осиё регионидаги илмий ташкилотлар жалб этилади.

Бу программанинг бажарилишида чорвачиликни янада ривожлантиришга қаратилган тадқиқотларга биринчи даражали аҳамият берилади. Чорва моллари ва паррандаларни ҳар томонлама балансланган тарзда боқишни таъминловчи мустаҳкам озуқа базасини яратиш бу ишларнинг асосий йўналишини ташкил этади. Шунинг учун озуқабоп экинларнинг серҳосил навларини экишни йўлга қўйиш асосида озуқа ишлаб чиқариш ва унинг сифатини яхшилашни интенсивлаш, суғориладиган ва алмашлаб экишни интенсив амалга ошириш масалаларига эътиборни кучайтириш муҳим роль ўйнайди. Яйловларнинг самарадорлигини ошириш ишларини активлаштириш, вазифаси ҳам кўзда тутилади. Бу муаммоларни ҳал этишга Бутуниттифоқ қорақўлчилик илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институти, Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ва бошқа институтлар олимлари жалб этилган. Барча турдаги чорва моллари ва паррандаларнинг маҳсулдорлигини оширишни такомиллаштириш ва янги саноат технологияси асосида боқиш шароитларига мослашган сермаҳсул зот ва наслларни яратишга муҳим аҳамият берилади. Ана шу мақсадлар учун суғориладиган ва лалмикор ерларда дон экинларининг интенсив деҳқончилик талабларига жавоб берадиган серҳосил ва юқори сифатли навлари ҳамда дурагайлари селекциясининг яна ҳам самарали методлари ишлаб чиқилади. Шунингдек, маккажўхори, шоли, дуккакли экинлар, мева-сабзавот, картошка, узум, цитрус ва бошқа экинларнинг янги маҳсулдор дурагайларини яратиш бўйича тадқиқотларни кенгайтириш тадбирлари белгиланди.

Республикамиз табиий иқлим шароитида яхши таъмга эга бўлган, сермаҳсул, касалликларга бардошли картошка навларини яратиш ва катта майдонларга экиш, конкрет зоналарни ҳисобга олган ҳолда, картошка етиштириш агротехникасини эрта, кеч ва кеч кузги экиш муддатлари асосида такомиллаштириш ишларини кенгайтириш вазифалари ҳам назарда тутилган.

Тадқиқотларни буюртмалар асосида олиб бориш йил сайин кенгаймоқда. Жумладан, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги илмий-тадқиқот институтларида ва олий ўқув юртларига 1982 йилда қўшимча тематикаларни бажариш учун хўжалик шартномалари асосида 3116,7 минг сўм маблағ ажратди. Тадқиқотлар 25 илмий муассаса жалб этилган ҳолда, 85 мавзуда олиб борилади. Масалан, Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти хўжалик шартномаси асосида 18 мавзуда, Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институтида эса 8 мавзуда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Характерли томони шундаки, тадқиқотлар қанот ва дон экинларини ўриш технологияси ва машиналар параметрини, моллар турли касалликларининг диагностикаси, терапияси ва профилактикаси методлари ва махсус воситаларини такомиллаштириш, соғин сигирлар рационида ферментация қилинган ғўзаполдан фойдаланиш имкониятлари, тут ниҳоллари селекцияси навларини яратиш методларини ўрганиш сингари актуал масалалар устида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Илмий-тадқиқотларни ишлаб чиқаришга жорий этиш самарадорлигини оширишда илмий-тадқиқот институтларида ва хўжаликлар ўртасида ишлаб чиқилган илмий-техник ечимларни жорий этиш бўйича шартномалар тузиш қўл келишлигини тажрибалар амалда исботламоқда. Бу борада Фарғона область Тошлоқ районидаги «Оқолтин» колхози билан Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти коллективи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик бераётган самаралари мисолга келтириш мумкин. Колхоз далалари озуқа экинлари навларини синовдан ўтказувчи, озуқа етиштиришнинг перспектив методларини тўла ўзлаштириш учун ўзига хос лаборатория вазифасини ўтамоқда.

Дастлабки тажрибалар илмий-тадқиқотларни олиб бориш, ечимларни тезроқ халқ хўжалигида қўлланишда илмий, лойиҳалаш, конструкторлик ташкилотлари ва олий ўқув юртларининг идораларо ҳамкорликда ишлашини йўлга қўйиш жуда катта афзалликларга эга эканлигини кўрсатмоқда. Шуни назарда тутиб, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими хўжалик шартномалари асосидаги ишларнинг кўрсаткичлари ва самарасини оширишга ёрдам берадиган қатор тадбирларни ишлаб чиқишни назарда тутмоқда. Президиум ва бўлим секцияларининг мажлисларида олиб борилаётган илмий ишларнинг натижаларини мунтазам равишда кўриб бориш, илмий-тадқиқот ишлари бўйича ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш, уларни халқ хўжалигига жорий этишдан келадиган иқтисодий самарани ошиқлашда актив қатнашиш назарда тутилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш, сифатининг ошиши, меҳнат унумдорлигининг янада ўсиши, таннархнинг арзонлашиши, меҳнат шароитларининг яхшиланиши олимлар ва новаторлар олиб бораётган ижодий изланишда дунёга келган янги, илғор тадбирнинг амалда қанчадар тез қўлланилишига боғлиқ. «Илмий қашфиётлар ва ихтироларни жорий этиш, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев партиямиз XXVI съездида, — бугунги кунда ҳал қилувчи, энг ўткир соҳадир».

Республикамизда бу борада анча ишлар амалга оширилди, катта миқёсдаги тадбирлар белгиланди. Биргина ўнинчи беш йиллик давомида республика қишлоқ хўжалигига 500 дан кўпроқ янги ечимлар жорий этилди. Шу даврда бўлим институтлари томонидан таклиф этилган ихтироларга 443 буюртма берилди. Коллективимиз 247 авторлик гувоҳномаси ва ихтиролар учун ижобий баҳо олди. Бўлимимиз қарамоғидаги муассасалар томонидан ишлаб қариб 100 миллион сўм иқтисодий самара берадиган 354 ечимларни ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бўлим институтларида тадқиқотларга сарфланган ҳар бир сўм эвазига олинган самара ўнинчи беш йилликда ўрта ҳисобда 8,1 сўмни ташкил этган бўлса, 1981 йилда 11 сўмданга тўғри келди.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитети ноябрь (1981 йил) ва май (1982 йил) Пленумлари материаллари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқ ва докладларидан келиб чиқадиган вазифалар ва йўл-йўриқларга амал қилиб иш олиб бораётган илмий-тадқиқот институтлари ходимлари фан ютуқлари ва илғор тажрибани қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий этиш йўлида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Бироқ, шуни ҳам очиқ-ойдин тан олиш керакки, барча илмий ечимлар халқ хўжалигининг бугунги талабларига мос келяпти, деб бўлмайди.

Тўғри, олимларнинг кўпгина ихтиролари кенг ишлаб чиқариш синовларидан ўтди ва идораларо комиссиялар томонидан жорий этишга тавсия қилинди. Ҳамма қусур шундаки, ана шу тавсия қилинган ечимлар жуда секинлик билан жорий этилмоқда. Микроэлементлар билан тўйдирилган аммофосдан пахтачиликда фойдаланиш, пневмоподборишлар билан модернизация қилинган пахта териш машинаси, сунъий ёмғир ёғдиргич машинаси воситасида ғўзани суғориш ишларини механизациялаш, ташланган уруғни махсус тиргаклар ёрдамида тупроққа аралаштиришнинг такомиллаштирилган технологияси ва шунга ўхшаш муҳим ечимлар халқ хўжалигида зарур даражада жорий этилмаяпти.

Қишлоқ хўжалиги олдига қўйилаётган вазифаларни тезроқ бажаришда қўл келадиган олимларнинг қатор тавсиялари энг юқори даражада самара олиш учун қаерда, қайси усулда ва қай тартибда амалга ошириш бўйича мукаммал хулосаларга эга эмас. Ваҳоланки, бу масалаларнинг моҳиятига етмай туриб, жорий этиш тавсияларининг таъсирини пасайтириши ва самара беришини кечиктириши мумкин. Нотўғри қўлланган тадбирнинг ишлаб чиқаришга кенг йўл олишини қийинлаштириши ҳам мумкин. Бу ўз навбатида олимларнинг таклифларини ишлаб чиқаришга қўлланишга нисбатан хўжалик мутахассислари ва раҳбарларининг қизиқишини пасайтириб қўяди.

Фан ютуқларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий этишни яхшилаш ва такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида область қишлоқ хўжалик бошқармаларида, суғориш системалари, Ўрмон хўжалиги, Мева-сабзавот хўжалиги министрликлари трестларида, шунингдек, тегишли район бўлинмаларида бошлиқлар, директорлар раҳбарлигида жорий қилиш кенгашлари ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда жорий қилиш ва авторлик назоратига оид методик қўлланмага жуда жиддий эътибор бериш лозим. Ишлаб чиқаришга қўлланиш учун қабул қилинган тадбирларни хўжаликларнинг ишлаб чиқариш ва молия планларига киритиш, тадбирларнинг жорий қилиниши юзасидан жавобгарликни эса хўжаликларнинг бош мутахассислари зиммасига юклаш лозим. Фан ютуқларини илғор тажриба мактаблар, бу мактабларга ўрта звенодаги ишлаб чиқариш раҳбарлари — бригадирлар ва звено бошлиқларинигина эмас, илғор ишчиларни ҳам жалб этган ҳолда кенг пропаганда қилиш керак. Ана шу тадбирларнинг жорий этилиши туфайли олинадиган иқтисодий самара ҳисобига олимларни ҳам, тажрибали ходимларни ҳам маънавий ва моддий рағбатлантириш системасини кенг қўлланиш, илмий-техника ишларини жорий этиш юзасидан илмий-тадқиқот институтлари билан хўжаликлар ўртасидаги шартномели муносабатларни тажрибага киритиш лозим.

Хўжаликларнинг маълум давридаги фаолияти якунланаётганда фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш қандай самаралар берганлиги натижаларини ҳам кўриб чиқиш, коллектив ва хўжалик мутахассисларини моддий рағбатлантиришда қатъий ҳисобга олиши керак. Ҳеч бўлмаса йилда бир марта хўжаликлар область қишлоқ хўжалик бошқармаси ва бошқа қишлоқ хўжалик органларига илмий-техника ечимларининг жорий этилиши ҳақида ҳисобот бериб туришлари фойдадан ҳоли бўлмасди. Бу фан билан ишлаб чиқариш ҳамкорлигини такомиллаштириш, СССРнинг Озиқ-овқат программасининг бажарилишига ижобий таъсир кўрсатган бўлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг эртага бўладиган пленумида халқ хўжалигини ривожлантириш бўйича КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қўйган вазифалар, СССР Озиқ-овқат программасининг бажарилишида қишлоқ хўжалик фани олдида турган вазифалар, фан билан ишлаб чиқариш ҳамкорлигини ошириш масалалари атрофлича таҳлил қилиниб, илмий муассасалар, кўп сонли олимларимизнинг зиммаларидаги янги масъулиятлар белгилаб берилади.

С. ЙЎЛДОШЕВ,
В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг вице-президенти, ВАСХНИЛ академиги.

САРА САБЗАВОТ ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Шу кунниг темасида

Сабзавот пайкаллари, полизлар, боғ ва токзорларда ҳосил йиғим-терими авжига чиқди. Республикамиз сабзавоткорлари ва боғбонлари обҳавонинг мураккаб келишига ҳамда сув танқислигига қарамай ҳамма жойда мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Ҳозир ҳар бир қишлоқ меҳнатчиси Озиқ-овқат программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш учун ҳиммат кўрсатиб ишламоқда.

Меҳнаткашлар дастурхонига ҳар ҳафта мобайнида дала ва боғлардан 10 минг тонна картошка, 100 минг тонна сабзавот, 26 минг тонна мева ва 60 минг тонна полиз маҳсулотлари келиб турибди. Бу мева-сабзавотчилик тарихида энг рекорд суръатдир. Ҳозир далалардан 1,5 миллион тонна маҳсулот йиғиб-териб олинди. Бу — йиллик халқ хўжалик планининг ярмидан кўпроғини ташкил этади.

Бухоро, Сурхондарё, Навоий, Қашқадарё областларининг колхоз ва совхозларида картошка, Тошкент областида карам, Андижон областида пиёз, Фарғона областида бодринг, Навоий областида помидор, Қашқадарё областида сабзи ҳосили нес-вобуд қилинмай, уюшқоқлик билан йиғиштириб олинаётир.

Лекин ҳамма жойда ҳам иш ана шундай ташкил этилган, деб бўлмайди. Чунончи, Хоразм, Самарқанд, Сирдарё областлари ва Қорақалпоғистон АССР хўжаликларида ҳосил йиғим-терими кечикиб кетяпти, картошкани кавлаб олишда катта нобудгарчиликларга йўл қўйилмоқда. Мева-сабзавот ҳосилини йиғиштириб олишда ҳам ана шундай ҳоллар содир бўляпти. Оҳангарон ва Паркент районларида сабзавот, Чиноз ва Янгийўл районларида помидор, Ўрданиқидзе ва Бўстонлиқ районларида картошка ҳосилини йиғиштириб олиш ишлари қониқарли эмас.

Сентябрь ва октябрь ойларида экинлар парвариши яхши йўлга қўйилган пайкалларида помидор, бодринг, сабзи, бақлажон ва бошқа экинлар жадал ҳосил тўплайди. Ҳамма жойда помидорлар қип-қизил бўлиб пишади. Бундай мўл ҳосил билан истеъмолчиларни жуда қувонтириш мумкин. Афсуски, ана шу помидорларнинг даладан пештахтагача босиб ўтадиган йўли жуда узоқ. Помидорларни эрталаб териб оладилар ва тушга бориб машиналарга юклайдилар. Шу тариқа кечқурун улгуржи-чакана савдо идораларига қарашли базаларга етиб келади. Маҳсулот бу ерда ҳам эрталабгача ушлаб турилади ва яна машиналарга юклаб магазин ёки савдо дўконларининг «қабулга» жўнатилади. Юра-юра ҳолдан тойган помидор, энг яхши ҳолларда, икки кун ёки уч кун деганда пештахталарга чиқади. Афсуски, бу ерда ҳам уни юқоридан офтоб, пастдан эса асфальтдан чиқаётган тафт қиздириб туради. Шундай шароитда помидор сифатини сақлаб қолиш ҳақида гап бўлиши мумкинми?!

Помидор жойланган яшчикларни эҳтиёткорлик билан тушириш-юклаш талаб этилади. Аммо тушириш-юклаш жараёнида уларни юқоридан пастга улоқтириш ҳоллари учрайди. Улгуржи-чакана савдо идорасининг базаларида маҳсулотни «қабул қилиш» ниқоби остида саралаб, энг яхши маҳсулотни бозор нархида яширинча сотишдан ҳам тоймайдилар. Бодринг, картошка, олма ва узумни ҳам ана шундай «саралаш» ҳоллари учраб туради.

Бозорчидан: «Нима учун маҳсулотингизнинг сифати яхши», —деб сўраб кўринг. У маҳсулотни даладан узиб, пештахтага чиқаргунча атиги 3—4 соат ўтганлигини, янги узилган сабзавот ва мева офтобдан ҳимоя қилинганлигини, у ёқдан бу ёққа ташланавермаганлигини айтади. Бинобарин, маҳсулотни олиб келиш учун 7—8 соат вақт кетса, маҳсулот ўзининг товар кўринишини йўқотади. Натижада реализация нархи 20—25 процент тушиб кетади. Бозорчилар буни яхши биладилар. Шунинг учун зудлик билан ҳаракат қиладилар. Бунинг устига помидорларни чангдан, картошка ва сабзини лойдан тозалайдилар, янги маҳсулот ҳар сафар сараланади.

Бозорчиларда ҳам помидор ва бодринг сифати пасаяди. Лекин у савдо жараёнидаёқ маҳсулотни йўл-йўлакай 3—5 марта саралайди. Товар кўринишини йўқотган маҳсулотларнинг баҳосини эса даставвал 20—30 процент, кейин 50—70 процент пасайтиради. Харидорлар учун сабзавотларнинг тоза, сараланган бўлиши муҳимдир. Маҳсулот сифати бир хил ва баҳоси кўнгилдагидек бўлса, харидорлар эзилган помидорни ҳам сотиб олишади. Бундай пайтда бозорчи маҳсулотни сотганидан, харидор эса зарур товарни сотиб олганидан манфаатдор бўлади.

Янги узилган сабзавот, картошка, мева ва узумлар юқори сифатга эга бўлиши учун маҳсулотнинг товар кўринишини яхшилаш, яъни уларни ювиб тозалаш, намида 3—4 категорида: олий, биринчи, иккинчи ва брак сортларга ажратиш зарурлигини тажрибалар кўрсатмоқда. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда йилнинг турли даврлари учун маҳсулот нархини белгилаш лозим.

Бунинг учун улгуржи-чакана савдо идораларининг материал-техника базасини мустаҳкамлаш, колхоз ва совхозларнинг кичик ва камқувват базалари ўрнида хўжаликлараро базалар ташкил этиш даркор.

Улгуржи-чакана савдо идорасига қарашли базалар маҳсулотни ювадиган, саралайдиган ва қадоқлайдиган машиналар комплексига, зарур миқдордаги тара, коробка, контейнерлар, кўтаргичлар, тарози хўжалигига, омборхона бинолари, бостирмалар, транспорт воситалари ва бошқаларга эга бўлиши зарур.

Олимлар, қишлоқ хўжалик, тайёрлаш, савдо ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг биргаликдаги ғайрати билан мева-сабзавот маҳсулотларини даладан йиғиштириб олиб, сифатини сақлаган ҳолда истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича пухта технологияни яратиш ва уни турмушга тадбиқ этиш даркор.

А. МАРТИНЕНКО.
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик бошқармасининг бошлиғи.

ЧОРВАГА ҲАМ ПАХТАДЕК ЭЪТИБОР

ҚИШЛОВНИ ҚАРШИЛАБ

Шаҳрисабз районидаги «Социализм» колхози йирик, иқтисодий бақувват хўжаликлардан бири. Бу ерда чорвачилик ҳам жадал ривожлантирилмоқда. Сигирлардан мўл сут соғиб олиш, бўрдоқиларни жадал семиртиришга алоҳида эътибор бериляпти. Тирик вазни 320—350 килограмм бўлган новвослар кучайтирилган рацион асосида уч ой боқилиб, ҳар бирининг тирик вазни 480—510 килограммга етказилиб гўштга топширилмоқда. Ана шулар ҳисобига колхоз бўрдоқибоқарлари шу йилнинг 8 ойидаёқ пландаги 97 тонна ўрнига давлатга 130 тонна гўшт етказиб беришга муваффақ бўлдилар. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 22 процент кўпдир.

Сут-товар фермасида Санобархон Аҳмедова, Мақсадхон Эшмўминова, Дилдорхон Аҳмедова ва бошқа сут соғувчилар пешқадам бўлишяпти. Улар ўз парваришларидаги ҳар бир сигирдан шу йилнинг саккиз ойида 2700—2750 килограммдан сут соғиб олишди. Бу «оқ чашма» соҳибалари 4 минг килограммлик маррани кўзлаб меҳнат қилишяпти. Шу туфайли хўжалик сут-товар фермаси коллективи 460 тонна сут етиштириб, йиллик планни бажардилар. Шу кунларда улар мажбурият ҳисобига сут соғиб олишни қизғин давом эттиришяпти.

Колхоз чорвадорлари зарбдор тармоқда салмоқли ютуқларга эришаётганликлари туфайли область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирландилар.

— Чорва фермаларида ҳар бир ходим масъулиятни чуқур ҳис қилиб ишлаши,— дейди колхоз раиси А. Туробов, — ютуқлар гарови бўляпти. Ҳар бир участка жонкуяр ва ишбилармон кадрлар билан таъминланса-гина ўша ерда силжиш бўлади. Бу йил озуқа жамғаришга ҳар йилгидан ҳам кўпроқ эътибор бериляпти. 200 гектар ерга экилган маккажўхоридан мўл ҳосил олиб, сифатли силос бостирдик. Ҳозир бедапоя-ларда олтинчи ўримни бошладик. Ҳар гектардан 210 центнердан беда пичани жамғарилди.

Хўжаликда озуқа цехи мунтазам ишлаб турибди. Дағал хашакларни буғлаб, сўнгра чорва молларга берилиши маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда катта имкон яратмоқда. Бу йил ҳам хўжаликда қишловга етиб ортадиган даражада озуқа жамғариш ниҳоясига етказилмоқда. Колхоз чорвадорлари ўз зиммаларидаги мажбуриятларни ортиғи билан бажариб, Озиқ-овқат программасини ҳаётга тадбиқ қилишга муносиб улуш қўшиш ниятида ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилишяпти.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

Пискент районидаги «Пискент» совхозида 350 гектар ердаги маккажўхори қисқа муддатда ўриб-йиғиб олинди. Ҳар гектар ердан 80 центнердан «каҳрабо дон» хирмонларга тўкилди. Жамоат чорвачилиги учун мўл ва сифатли силос бостирилди.

Ўрим-йиғим айни қизғин кунларда олинган ушбу суратларда илғор комбайнчи Абдукарим Набиев, маккажўхорини ўриш-йиғиш пайти ва Мурод Шодмонов бошлиқ маккажўхоричилик бригадаси аъзолари акс эттирилган.

Л. Гусейнов ва С. Маҳкамов фотолари.

ФЕРМАЛАРДАН ХАБАРЛАР

НАМАНГАН. Наманган районидаги қорамолларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш хўжаликлараро базаси коллективи пландаги 450 тонна ўрнига 550 тонна гўшт етиштириш учун курашмоқда. Бунинг 210 тоннаси фақат қорамолларни семиртириш ҳисобига олинади. Шу кунга қадар 450 тонна гўшт етиштирилиб, йиллик план бажарилди. А. Жўраев, Б. Камолов, Н. Дадаҳонов сингари тажрибали бўрдоқибоқарлар ўз парваришларидаги ҳар бош қорамолни 450—470 килограммдан гўштга топширишга муваффақ бўлдилар.

А. ҚОРАБОЕВ.

* * *

НАВОИЙ. Навоий районидаги «Коммунизм» колхози пахтачилик бригадаларида ёрдамчи хўжалик намунали ташкил этилган. Барча бригадаларда бу йил чорва моллар боқилмоқда. Бу борада И. Холақов бошлиқ бригадада самара юқори бўлмоқда. Бу ерда 8 бош қорамол, 10 бош қўй-эчки ва анчагина паррандалар асралиб, умумий овқатланишдан ташқари, колхозга 3700 килограмм гўшт етказиб берилди. Фойдаланилмаётган анчагина майдонлар ўзлаштирилиб, озуқа экинлари етиштирилди. 200 тоннага яқин дағал хашак жамғарилди.

Д. МАВЛОНОВ.

* * *

ҚАШҚАДАРЁ. Қарши шаҳридаги ун комбинати ёрдамчи хўжалигида 70 дан ортиқ қорамол, 100 дан ортиқ қўй-қўзи ва 2 минг бошга яқин парранда асралмоқда. Комбинат ишчиларига ҳар ҳафтада чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериляпти. Ёрдамчи хўжаликда чорва қишловига анча миқдорда озуқа жамғариб қўйилди. Орол Сариев, Мавлон Ерқулов, Тўти Санақулова, Тиниқ Раҳмонқулова сингари чорвадорлар самарали меҳнат қилишяпти. Йил бошидан буёғи комбинат ишчи ва хизматчиларига 3 тоннадан ортиқ гўшт ва 10 минг донадан ортиқ тухум сотилди.

Ж. МУИСИНОВ.

* * *

ЖИЗЗАХ. Арнасой районидаги Тимошенко номли совхозда аҳолидан сут қабул қилувчи янги пункт очилди. Шу кунларда пункт ходимлари совхоз ишчи ва хизматчиларининг шахсий хўжаликларидан сут қабул қилишни қизғин олиб бормоқдалар. Ҳар куни 120—130 килограмм сут қабул қилиниб, тайёрлов пунктларига етказиб бериляпти. Яқин кунларда бу кўрсаткич янада ошади.

А. ИМОМОВ.

●

Шунингдек, редакциямизга чорвадорларнинг самарали ва намунали ишлари тўғрисида Фарғонадан **И. Убайдуллаев, У. Ҳамдамов,** Навоийдан **М. Шаропов,** Андижондан **Р. Султонов, Т. Мадраҳимова,** Жиззахдан **Т. Ўролова, И. Холматов,** Наманганда **С. Мусабоев, Ш. Нишонов,** ҚҚАССРдан **С. Қутлимуродов,** Қашқадарёдан **Ш. Махмудов, Б. Элмуродов, А. Муқимов,** Тошкентдан **С. Султонов, Х. Иброҳимов, А. Зокиров, К. Нурматов, П. Эргашевлар** ҳам хат-хабарлар ёзиб юборишган.

Мард майдонда синалади

ТЕРИМДА ТОШКЕНТ ТЕХНОЛОГИЯСИ

⊙ ҲОСИЛНИНГ 95 ПРОЦЕНТИ МАШИНАЛАРДА
⊙ ПАХТА БРИГАДА БУЙИЧА ТОПШИРИЛАДИ
⊙ КУНЛИК СУРЪАТ 8—10 ПРОЦЕНТ
⊙ ЙИЛЛИК ПЛАН 12 ИШ КУНИДА

Республикамизда долзарб палла — пахта йиғим-терим кампанияси бошланди. Ҳар бир пахтакор, ҳар бир механизатор жасорат майдони — пахтазорда жавлон уриб меҳнат қиладиган давр келди. СССРнинг шонли 60 йиллик тўйини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилган заршунослар пешона тери эвазига етиштирилган юбилей йили мўл ҳосилини сира нобуд қилмай саранжомлаб олишга киришдилар.

Колхозимиз пахтакорлари ҳам умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, бу йил «оқ олтин»дан мўл-кўл ҳосил йиғиштириб олишга бел боғлаганлар. **Мавжуд пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 37 центнер ўрнига 45 центнердан ҳосил кўтариш юбилей йилидаги қалб шнориимиздир.**

Шу ниятда эрта баҳордан буён астойдил меҳнат қилиб келяпмиз. Азаматларимиз ҳар қачонгидан ҳам кўра яхшироқ ишлаб, пахтадан юқори ҳосил етиштириш иштиёқида астойдил тер тўкдилар. Ҳосилга ҳосил қўшиш, кўсаклар салмоғини ошириш, пахтанинг эртапишар бўлиб, очилишини тезлаштириш ҳамда пахта сифатининг юқори бўлишини таъминлаш учун барча имкониятлар ишга солинди.

Фидокорона меҳнат туфайли бугунги кунга келиб барча пайкалларда зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни ҳам ошириб уддаланши таъминлайдиган даражада рекорд ҳосил тўпланди. Биз ғўза парваришини йиғим-терим бошлангунга қадар давом эттириш билан бирга терим мавсумига ҳам пухта ҳозирлик кўрдик. Пахтачиликда Тошкент технологиясини кенг қўллаяпмиз. Бу тажриба майдонлардаги ҳосилни тез ва қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш имконини беради.

Хўжалигимиз меҳнат аҳли Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Пахта тозалаш саноати министрликларининг 1982 йил ҳосилини йиғиштириб олишга тайёргарликни тугаллаш ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг пахта сифатини ошириш ҳақидаги йўл-йўриқларини бажариш соҳасидаги иши тўғрисида»ги қарорини баланд руҳ билан кутиб олиб, уни батафсил ўрганиб чиқдилар. Биз пахта терими мавсумини шу қарор асосида ташкил этиш, давлатга фақат аъло сортли пахта етказиб бериш, план ва мажбуриятларни тез фурсатларда шараф билан бажариш чора-тадбирларини ишлаб чиқдик.

Йиғим-теримда иштирок этадиган терим-транспорт воситаларини сифатли ремонт қилиш ва мавсумга шайлаш ишлари 25 августгача тўла тугалланган эди. Бу техникалар сифат комиссияси томонидан синчиклаб текширилиб, қабул қилиб олинди.

Юқоридаги қарорда: «Ҳар бир бригада, хўжалик, район, областда ғўза баргини тўктириш тадбирлари ўтказилиши билан боғлиқ бўлган ҳамма масалалар ҳал этилсин, ерда ишлатиладиган ашаратлар ёрдамида ва авиация методида ғўза баргини тўктириш ҳажми, шунингдек, ғўзанинг биологик етилиши эътиборга олиниб, шу тадбирни ўтказиш муддатлари белгилансин...», деб таъкидлаб ўтилади. Биз дефолиацияни қулай муддатларда сентябрь ойининг биринчи ярмида сифатли қилиб ўтказдик. Дефолиация асосан тракторларга тиркалган ОВХ-14 ва ОВМ-28 аппаратлари ёрдамида икки марта ўтказилди.

Бу йил хўжалигимиз бўйича тайёрланадиган ялпи ҳосилнинг 95 процента биринчи сортларга сотилади. Пахта сифати юқори бўлишини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга оширяпмиз:

биринчидан, барча карталарнинг бегона ўтдан ҳоли бўлишига эътибор бердик. Чунки бегона ўтлар терим машиналарининг иш унумини пасайтириб, пахтанинг ифлосланишига сабаб бўлади;

иккинчидан, дефолиацияни энг қисқа муддатларда, 5—6 иш кунида тугалладик. Дефолиантлар ердан туриб икки марта сепилгач, ғўза барглариннинг 100 процент тўкилишига эришдик. Шунда ҳосил тоза ҳолда терилиб олиниб, сифатига зарар етмайди;

учинчидан, теримга ерни ҳозирлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Агар майдон чекталари, ўқариқлар белгиланган масофада сифатли тайёрланса, пахта нобудгарчилиги камаяди. Биз карталарни машина теримига тайёрлаш учун алоҳида отряд тузик. Улар фақат шу ишлар билан шуғулланишди;

тўртинчидан, бу йил ҳосил бригадама-бригада топширилади. Ишни бундай усулда ташкил этиш пахта сифатининг оширишида ва бригадаларни рағбатлантиришда қулай бўлади.

Юбилей йили ҳосилининг 95 процентини ёки планда белгиланган пахтанинг ҳаммасини «зангори кема»лар ёрдамида йиғиштириб оламиз. Давлатга 2700 тонна, планда белгиланганидан 500 тонна кўп «оқ олтин» етказиб берилади. Ҳосилни терим машиналари билан тез ва соз фурсатларда саранжомлаб олишга қизғин ҳозирлик кўрилди. Машина теримини муваффақиятли ўтказиш учун учта терим-транспорт отряди тузилди. Шу отрядларга бириккан 9 та терим звеноларининг ишлаш методлари асосида ишлашади. Бу звеноларнинг ихтиёрида 3—4 тадан терим агрегати бўлиб, ҳар бирига 2 тадан тележка ажратилган.

Биз машина теримига 15 сентябрдан киришдик. Чунки шу ойнинг биринчи ўн кунлигида икки марта дефолиантлар сепилиб бўлинди. Терим бошлангунга қадар эса ғўза барглари тўлиқ тўкилиб, ҳосилнинг 65—70 процентини очилди. **Биринчи теримдаёқ ҳар гектар ердан 25—30 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб оламиз. Иккинчи теримда эса зиммадаги план ва социалистик мажбурият адо этилади. Биз йиллик планни 12 иш кунида бажарамиз.**

Пахта йиғим-теримида 24 та «зангори кема» юксак унум билан ишлатиляпти. Пахтани белгиланган объектга пешма-пеш ташишда 50 та тележка иштирок этиб, далабункер-прицеп-тайёрлов пунктидан иборат технологияга риоя қилинган ҳолда иш юритилмоқда. Шунда **йиғим-терининг энг қизғин кунларида ҳар бир машина билан кунига ўртача 10—15 тоннадан «оқ олтин» терилиши, қабул пунктларига 8—10 процентдан ошириб пахта етказиб берилишига эришилади.**

Колхозимизда «пўлат этак»лар билан 200 тоннадан ортиқ «оқ олтин» териб тўкишга аҳд қилган механизаторлар кўп. Республикада хизмат кўрсатган механизатор Муслим Тафиев мавсумда 250 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олган. Илёс Айвазов, Абдусаттор Омонов сингарилар эса 220 тоннадан «оқ олтин» териб беришади.

Бу йил кўпгина коллективлар етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини «зангори кема»лар ёрдамида йиғиштириб олиб, жуда қисқа муддатларда ғалаба рапортига имзо чекишни кўзлаганлар. **Жияншоҳ Шоҳимардонов, Турсбек Бектоев, Ислом Алиев ўртоқлар бошлиқ ана шундай бригадаларда йиллик план 5—6 иш кунида бажарилади.**

Колхоз правленеси ва партия ташкилоти йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиш ниятида терим-транспорт звеноларини ва механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани янада қизитиш чора-тадбирларини белгилаб чиқди. Механизаторлар ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақа ҳар беш кунда, терим-транспорт отрядлари ва звеноларни ўртасидаги мусобақа якунлари ҳам ҳар беш кунда умумлаштириб борилади. Илғор отряд ва звеноларнинг кўчма Қизил байроқ механизаторлар вимпель билан тақдирланиб, моддий рағбатлантирилади.

Хўжалигимиз пахтакорлари йиғим-терим мавсумини муваффақиятли ўтказиш учун бор куч-имкониятларини ишга солиб, юксак мажбуриятларни албатта бажарадилар ва СССРнинг 60 йиллик юбилейини ёруғ юз билан кутиб оладилар.

Исмоил ШУБЛАДЗЕ,
Ғалаба районидаги «Москва» колхозининг ранси.

Пахта йиғим-теримида ҳар бир фурсатни ғанимат билган Жарқўрғон районидаги «Коммунизм» колхози заршунослари фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Юбилей йилида улар 2.025 гектар майдонга ипак пахта чигити қадаган эдилар. Ҳозир пахталар чамандек очилди. Чевар теримчилардан Турсунтош Абдуназарова дастлабки кундан бошлаб ташаббусни ўз қўлига олди. У пахта теримида дугоналарига ибрат кўрсатиб ишлаяпти. Ана шундай чевар теримчилар ва марди-майдон механизаторларнинг ғайрат-шижоати туфайли колхоз заршунослари юбилей йилида она-Ватанга 8.500 тонна юқори сифатли «оқ олтин» тортиқ этиш учун курашмоқдалар.

Суратларда 1. Пешқадам теримчи Турсунтош Абдуназарова далада. 2. Уч мусобақадош дугона Турдиҳол Марднева, Беккам Жумаева ва Ойгул Давлатовалар.

Ж. Тўраев фотолари.

ДУГОНАЛАР

Рисолат ҳам бугун эрта уйғонди. Юз-қўлини муздек сувда ювди-да тезгина нонушта қилишга ўтирди. Дастурхон ва чойнак-пиёлаларни зудлик билан йиғиштириб бўлгач, пахтазорга отланди. У далага етиб келди-ю белига этак боғлаб теримга киришди. Бир этак пахта териб қаноргa бўшатаётганида дугонаси Розиятхон етиб келди.

— Ҳорманг Рисолатхон, намунча тонг саҳардан... Ҳаракатингизга қарагандa бугун ҳам ўзиб кетадиганга ўхшайсиз,— деди у Рисолотга майин табассум қилиб.

— Бригада бошлиғининг кеча кечқурун айтган «Эрталабки иш унумли бўлади» деган гаплари эсингиздами? Ана шунинг учун ҳам тонг билан уйғониб пахтазорга отландим,— деб жавоб қайтарди Рисолат дугонасига.

Ҳар иккала теримчи қизлар этак боғлаб пахтазорга шўнғиб кетишди. Улар ким ўзарга «оқ олтин» териб илғорликни қўлдан бермасликка ҳаракат қилишарди. Шу куни тушгача Рисолат 110 килограмм, Розия 90 килограмм ипак пахта териб хирмонга тўкишди...

Ульянов районидаги «Қашқадарё» совхозининг Гумурод Саломатов бошлиқ бригадаси пахтазорларида тер тўкаётган Рисолат Саломатова, Розия Усмонова каби ўнлаб чеварлар теримда пешқадамликни қўлдан бермай келаётирлар. Уларнинг ҳар бири кунига 130—150 килограммдан «оқ олтин» териб, теримчилар ўртасидаги социалистик мусобақада голиблик қилишяпти. Бу чевар теримчиларнинг ҳар бири мавсумда 12—14 тоннадан «оқ олтин» териб беришга сўз беришган.

80 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ипак пахта олиш ва давлатга сотиш мажбуриятини олган Г. Саломатов бошлиқ бригада чўлқуварлари пахта теримини кун сайин авж олдиримоқдалар. Бу ерда ҳар куни йиллик планнинг 2 процента миқдорида «оқ олтин» тайёрланяпти. Бригадада машиналар ишга тушгандан сўнг, ҳар куни йиллик планнинг 3—4 процентигача пахта тайёрланади.

Бригада пахтакорлари бу йил она-Ватанга саноатимиз учун энг қимматбаҳо хом ашё ҳисобланган 360 тонна ингичка толали пахта етказиб бериб, планларини сентябрь ойидаёқ, социалистик мажбуриятларини эса 10 октябрда ошириб бажаришга ҳаракат қиляпти. Бу, уларнинг СССР нинг 60 йиллик юбилейига муносиб меҳнат совғалари бўлади.

Ч. ПРИМОВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ВИЗИТ ЯКУНЛАРИ

ҚОБУЛ. (ТАСС). Бу ерда Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети делегациясининг АДР тинчлик, бирдамлик ва дўстлик ташкилоти таклифига биноан Афғонистон Демократик Республикасига қилган визити якунлари тўғрисида қўшма ахборот имзоланди.

Ҳужжатда уқтириб ўтилишича, самимий дўстона вазиятда бўлиб ўтган учрашув суҳбатлар давомида халқаро проблемалар ҳамда иккала ташкилот ўртасида ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар АҚШ империалист кучларининг агрессив сиёсати натижасида халқаро кескинлик кучайганлигидан чуқур ташвиш изҳор этдилар ҳамда халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун курашдаги куч-ғайратларни кўпайтириш кераклигини айтдилар. Улар қуролланиш пойгасини авж олдираётган ҳамда нейтрон ва химиявий қурол ишлаб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган АҚШ ҳукмрон доираларининг милитаристик йўлини қоралардилар.

Ҳужжатда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Ранси Л. И. Брежнев ўртага ташлаган ташаббуслар тўла-тўкис қўллаб-қувватланди.

Суҳбатлар чоғида томонлар Ҳинд океанини демилитарлаштириш, Осиёдаги барча ажнабий ҳарбий базалар тугатилиши учун курашни давом эттириш қатъиятини изҳор этдилар. Улар бу районларда Американинг ҳарбий қудрати кўпайтирилаётганлиги тинчликка янада кўпроқ хавф солади, деган фикрни билдирдилар.

Музокара қатнашчилари Яқин Шарқдаги аҳволни ҳам муҳокама қилдилар, бу ердаги аҳволни нескинлашуви АҚШ ва Исроил агрессив сиёсатининг ҳамда улар ўртасидаги стратегик ҳамкорлик кенгайтирилганлигининг натижаси бўлганлигини айтдилар. Исроилнинг ҳамма қўшинларини араблардан босиб олиган ерлардан батамом олиб чиқиб кетмай туриб, ва фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқларини, шу жумладан унинг мустақил Фаластин давлатини тузиш ҳуқуқини тан олмай туриб, бу регион проблемаларини ҳал этиб бўлмайди, дейишди улар.

ЯРМАРКА ОЧИЛДИ

ЗАГРЕБ. (ТАСС мухбири). Бу ерда анъанавий савдо-саноат ярмаркаси очилди. Бу йил техника янгиликларининг мана шу кўригида 60 дан кўпроқ мамлакат қатнашмоқда.

СССР экспозицияси —энг катта экспозициялардан биридир. У совет кишилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини тантанали суратда нишонлашга қандай тайёргарлик кўраётганликлари, КПСС XXVI съезди қарорларини конкрет ишларда амалга ошираётганликлари тўғрисида ҳикоя қилади. Совет павильонининг олти мингта экспонати СССР саноати юксак даражада ривожланаётганлигини, унинг кенг экспорт имкониятларини яққол намойиш қилмоқда.

Экспозициянинг алоҳида бўлими Совет — Югославия иқтисодий ҳамкорлигига бағишланган. Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи Югославиянинг ташқи савдо соҳасидаги асосий шеригидир.

Ярмарка ишлаб турган вақтда мутахассисларнинг учрашувлари ўтказилади.

Б. ЖМАЙЕЛЬ ҲАЛОК БЎЛДИ

БАЙРУТ, 15 сентябрь. (ТАСС). Бу ерда Б. Жмайель ҳалок бўлганлиги расмий равишда эълон қилинди. У Ливан президенти лавозимига 23 августда сайланган эди. Б. Жмайель ўнг христиан Катоиб партиясининг раҳбарларидан бири бўлиб, 23 сентябрдан президент вазифасини ижро этишга киришмоғи керак эди.

Б. Жмайель Катоиб партиясининг шарқий Байрутдаги Ашрафия районида жойлашган қароргоҳида рўй берган портлаш натижасида ҳалок бўлди. Ливан маъмурларининг айтишларича, номаълум кишилар бинога 200 килограммдан ортиқ портловчи модда қўйиб кетганлар. Шу портлаш натижасида бинонинг уч қавати босиб тушди. 20 киши ҳалок бўлди, 60 киши жароҳатланди, қўшни уйлар ҳам эзён кўрди. Маъмурлар тергов олиб бормоқдалар.

Ливан бош министри Ш. Ваззан Жмайелнинг ўлдирилиши «Ливанга қарши фитналар занжиридаги бир бўғин» деди.

ВАШИНГТОН, 15 сентябрь. (ТАСС). Бу ердаги расмий кишилар Б. Жмайелнинг ўлими Қўшма Штатлар шу регионда ўтказадиган сиёсатини мушкуллаштиради, деган фикрни билдирмоқдалар, дейди Эн-Би-Си телекомпанияси.

«Нью-Йорк таймс» газетаси ёзадики, Оқ уйдаги юқори мансабдор ходимларнинг фикрича Б. Жмайелнинг ҳалокати Ливанда Б. Жмайель бошчилигидаги христиан фалангачилар кучлари билан сўл мусулмон кучлари ўртасида яна уруш ҳаракатлари бошланиш эҳтимолини кучайтиради. Ливанда гражданлар уруши яна бошлангудек бўлса, деб ёзади газета, «Бу мамлакатда бўлган Сурия ва Исроил қўшинлари можарога тортилиши мумкин».

НОРОЗИЛИК ЮРИШИ

ЛОНДОН. Англиянинг Шеффилд шаҳрида яшовчи юзлаб кишилар янги нацистларнинг «Миллий фронт» ва «Британия ҳаракати» деб аталган ташкилотлари ирвогарлик ҳуружларига қарши норозилик юришида қатнашдилар. Намойишчилар «Британия диёрида ирқчиликка йўл йўқ!», «Янги фашистларнинг ташкилотлари тақиқлансин!», «Англиянинг бутун аҳолиси учун тенг ҳуқуқлар берилсин!» деган плакатларни кўтариб, шаҳарнинг марказий кўчаларидан ўтдилар.

Бўлиб ўтган митингда гражданлик эркинликларни ҳимоя қилиш Миллий кенгашининг бош секретари Патриция Хьюитт Хоним нутқ сўзлади. У М. Тэтчер ҳукуматидан Буюк Британиядаги ирқчи ташкилотлар фаолиятини дарҳол тақиқлашни талаб қилди.

ДАҲШАТЛИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ИЗЛАРИ

ПНОМПЕНЬ. Кампучиянинг Кандаль ва Свайриенг вилоятларида полпотчиларнинг қонли ҳукмронлиги йилларида улар қилган даҳшатли жиноятларнинг янги изларини аниқланди. «Кампучия» газетасининг хабар қилишича, бу ерда полпотчилар ваҳшиёна ўлдирган кампучияликлар оммавий равишда кўмиб ташланган жой топилди.

Кандаль вилоятининг бир ўзида 16 мингдан кўпроқ кишининг жасади кўмилган 1400 та ғўр очилди. Мамлакат пойтахтидан жанубишарқдаги Свайриенг вилоятида сал кам 40 минг кишининг суяклари бир жойга кўмилганлиги аниқланди.

Эндиликда, деб уқтиради газета, полпотчилар ва уларнинг ҳомийлари даҳшатли жиноятларни яшириш, ўзларининг машъум режаларини ниқоблаш учун зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар. Улар «Коалицион ҳукумат» деб аталган ҳукумат номидан ҳаракат қилмоқдалар, Кампучия халқининг бошқа хоинларни номлари остига яширинмоқдалар. Кампучияликлар полпотчиларнинг найрангларини дарров пайқаб олдилар. Полпотчи жаллодлар қилган қонли жиноятлар ҳеч қачон уларнинг эсидан чиқмайди. Жаллодларнинг яна ҳокимиятни қўлга олиш йўлидаги уринишлари мағлубиятга маҳкум этилган, деб таъкидлайди «Кампучия» газетаси.

ПЕКИН. (ТАСС). Бутуниттифоқ «Международная книга» бирлашмаси билан Хитой ташкилотлари — Хитой босма нашрлар импорти ва экспорти миллий компанияси ва Хитой нашрлари маркази («Гоцзи шудянь») ўртасидаги музокара натижасида босма нашрларни ўзаро етказиб беришнинг савдо шартлари тўғрисида шартномалар имзоланди.

МУЗОКАРА НАТИЖАСИДА

Шартномаларнинг имзоланиш пайтида СССРнинг ХХР-даги савдо ваколатхонаси намойиш залида виставка ташкил этилди, виставкада совет китоблари, журналлари кўргазмага қўйилган эди. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган адабиёт алоҳида қизиқишга сазовор бўлди. Виставкани ХХР ташқи савдо идоралари ва кутубхоналарининг вакиллари, шунингдек бир қанча мамлакатларнинг Пекиндаги дипломатия вакиллари келиб кўрдилар.

ТУРКИЯДА ОДАМЛАР КЎПЛАБ ҚАМОҚҚА ОЛИНМОҚДА

ЛОНДОН. (ТАСС). Туркия ҳарбий маъмурлари сиёсий опозицияни бостириш мақсадида жамоат ва сиёсат арбобларини кўплаб қамоққа олмоқдалар, деди бу ерда турган Туркия революцион ишчи касаба союзлари конфедерацияси (ДИСК) раҳбарларидан бири К. Дайсал. Кейинги бир йилнинг ўзида репрессия ҳаракатлари натижасида 100 мингдан кўпроқ киши ҳибсга олинди, деб хабар қилди турк касаба союз арбоби. Улар орасида ДИСКнинг 1200 га яқин раҳбари ва активи бор. Ҳибсга олинганлар чидаб бўлмайдиган шароитларда сақланмоқда, қамоққа олинган кишилардан давлатга қарши фаолиятда дахлдорлиги тўғрисида кўрсатма олишга эришиш учун энг маккорона қийноққа солиш усуллари қўлланилмоқда. Ҳатто маъмурларнинг ўзи эътироф қилишича, қамоқхоналарда 76 киши қийноқларга чидолмай ҳалок бўлган. Ҳақиқатда эса ҳалок бўлган кишилар бундан анча кўп, деб уқтирди К. Дайсал.

Туркия касаба союз арбобининг уқтириб айтишича, режим муҳолифларига қарши шафқатсиз жабр-зулм қилинаётганини фақат Туркиядаги оппозицияни батамом тугатиш, мамлакат меҳнаткашларини йирик буржуазия измига кўр-кўрона итоат қилишга мажбур этиш муддаоси билангина изоҳлаш мумкин.

К. Дайсал тараққийпарвар жаҳон жамоатчилигига мурожаат этиб, турк халқининг ўз ҳуқуқлари учун, демократияни ва сиёсий эркинликларни тиклаш учун одилона курашини қўллаб-қувватлашга чақирди.

ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

РИМ. (ТАСС мухбири). Бу ерда парламентлараро иттифоқнинг 69-конференцияси очилди. Унинг ишида дунёдаги 98 мамлакат парламентининг аъзолари қатнашмоқдалар. СССР парламент группасининг делегациясига СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Ранси В. П. Рубен бошчилик қилмоқда.

Конференциянинг кун тартибида муҳим халқаро аҳамиятга эга бўлган масалалар, жумладан мустамлакачиликни тугатиш ва янги мустамлакачиликка қарши кураш проблемалари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги аҳвол, парламент муассасаларини ва уларнинг халқаро муносабатлар соҳасидаги фаолиятини ривожлантириш сингари масалалар бор.

Конференцияда ўз халқларининг тақдири учун парламентлар ва парламент аъзоларининг масъулияти, ядровий фалокат хавфининг олдини олиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш, инсониятнинг тинчлик ва хавфсизлик шароитида яшаши учун шарт-шароит яратиш, давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида халқларнинг, парламентлар, ҳукуматлар ва барча тинчлик севар кучларнинг ғайрат-ҳаракатларини бирлаштириш жуда зарурлиги хусусида фикрлашиш бошланди.

Италия республикасининг президенти А. Пертини конференция қатнашчиларини табриклади. БМТ Бош секретари Х. Перес де Куэльярнинг табрикномаси ўқиб эшиттирилди.

Конференция 22 сентябргача давом этади.

УРУШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ—БОШ ВАЗИФА

МЕХИКО. (ТАСС). Урушнинг олдини олиш-инсоният олдида турган бош вазифадир, деб уқтирилади Ғарбий Ярим шар мамлакатлари ижодкор зиёлилари намояндаларининг Мексика пойтахтида бўлиб ўтган учрашувида маъқулланган декларацияда. Бу ерда «Америкалар мулоқоти» деб аталган ушбу анжуманда АҚШ, Канададан ва Лотин Америкасининг кўпчилик мамлакатларидан келган 300 га яқин шоир, ёзувчи, рассом, олим қатнашди.

Марказий Америкадаги ва Кариб ҳавзасидаги аҳвол тинчликка реал хавф солиб турибди ва Сальвадор можаросини сиёсий йўл билан ҳал этиш ниятини зудлик билан излаб топишни, шунингдек Қўшма Штатлар билан Никарагуа ва Куба ўртасида мулоқот бошланишини талаб қилади, дейилади ҳужжатда.

Декларацияда Куба, Гренада, Никарагуа ва Суринамдаги революцион жараёнлар қатъият билан қўллаб-қувватланаётганлиги изҳор этилди, империализмнинг шу мамлакатлар халқларига қарши тўхтовсиз давом этаётган агрессив ҳаракатлари қораланди.

Учрашув ёпилиш чоғида сўзга чиққан Никарагуа маданият министри, машҳур шоир Эрнесто Карденаль ижодкор зиёлиларнинг намояндаларини тинчлик учун, империализмнинг Лотин Америкаси давлатлари ички ишларига аралашувига қарши курашда актив қатнашишга чақирди.

Ўзбекистонда Қўқимиллатли совет адабиёти фестивали. СССР тузилганлигига 60 йиллик. 1982

Сиз суратда кўп миллатли адабиётимиз намояндаларидан бурятлик Д. Жолсараев, тожикистонлик М. Қаноат, грузиялик Р. Маргиани ва ўзбекистонлик Ж. Абдуллаховларни кўриб турибсиз. Уларни адабиёт, халққа, юртга хизмат қилиш туйғуси дўстлаштирди.

С. Маҳкамов фотоси.

Раиса АХМАТОВА.
Чечен-Ингуш АССР.

ЖОНАЖОН ПАРТИЯГА

Юракда туғилар аслида қўшиқ,
Ўша қўшиғимни атадим сенга.
Сенга эътиқодда кўрдим буюк ишқ,
Қадамим ростладим доно сўзингга.
Буюк тақдиримга айтаман шукур:
Она тоғларимдай унда юксаксан,
Деягиздай терандир сенда тафаккур,
Сўзинг, ишинг билан элга тираксан.
Аччиқ ўтмишини сўзларди онам:
Тоғлар ўлкасида нурга зор аёл!
Энага йўргаклаб, ном қўйгани дам
Сенга чўрилиқдан очар экан фол.
Сени кўрмадилар одам ўрнида,
Севгисиз, қулгусиз бағрингни тиғлаб.
Тош қулбада яшаб, ўчоқ қўрида
Нон ёпдинг ва фарзанд ўстирдинг йиғлаб.
Ярадор оҳудай бақдинг жаҳонга,
Умринг ўтар эди нурсиз ва ночор.
Шариат зулмидан дил тўлиб қонга,
Тирик туриб бўлдинг дўзахга дучор.
Сўнган ўчоқ ичра қолди жаҳолат
Ва оғир қулликдан қолди фақат кул.
Тоғ қизи! Айт, қайдан олдинг сен қудрат,
Бунчалар юксакка кўтарди қай қўл!
Маърифат боғида сатрма-сатр
Ўқидинг авлодлар қадим тарихин.
Ҳарф таниб, қалб тўла эътиқод, меҳр...
Илк бора сен ёздинг: «ПАРТИЯ, ЛЕНИН».

Ойдин ҲОЖИЕВА таржимаси.

Италмаз НУРИЕВ,
Туркманистон.

О, ЮКСАК ТОҒЛАР

О, сиз-ей юксак тоғлар,
Кўнглим сизни сўроқлар,
Айтинг асли сиринги.
Менга хабар беринг.

Ким у сизга йўл олди,
Ва сизга тенг бўлолди?!
О, сиз юксалган тоғлар,
Сиз донишсиз, не тоғлар,

Айтинг у кимнинг изи
Худди туннинг юлдузи
Ундан равшан сув юзи?
О, сиз юксалган тоғлар,
Сиз қадимсиз — не тоғлар.
Шунча йиллардан буён
Тўшингизда из, аён —
Айтинг қалбим сўроқлар!

— Бунда ҳеч қанча сир йўқ
Сен тўлиқ шоир эсанг,
Сен из топасан, кўнгил тўқ,
Олтин, кумуш, гоҳи сан,
Чунки ёшсан, саҳийсан!

Дамба ЖАЛСАРАЕВ.
Бурят шоири.

БАЙКАЛ КЎЗИ

Қайси ўлка, қайси юрт, кўрсам агар мовий кун
Менинг Тайгам қўйнида, ё шу замин қўйнида,
Менга боққан туюлар ҳар нафасда у беун
У кўз, у қадрдон кўз, тургандекман бўйнида,
Ва ё Тайгадек қаттиқ тикилган бўлар отам,
Отамнинг нигоҳлари менга қадалиб қолар.
Ва ё меҳрибон эшик ёнида хотам
Нозик жилмайиб беҳос, соғинчдан жим тин олар...

Анатолий ПАРПАРА.

МАНГУ ЯШИЛ ЎЛКА

Оҳ, қанчалар оромбахш, паззат
Сизлар билан кумуш қарағай!
Қуёш жилвасига қарамай,
Юзин босиб турсак бир фурсат.
Майсаларга тўш уриб юрсанг,
Чексизликка сингса кўзларинг
Тоққа бурса денгиз, юзларинг
Ором олиб оқшомда турсанг!

Мангу яшил ўлка, бағрингда,
Кунларимдан розиман кечган
Аммоки қор кийиб, қор кечган
Ўлка чорлар мени нарида...
Балки чорлайверса қайтарман,
Соғинч қамрар,
Соғинчим енгар.
Қалбим, ойдек бесабр сақрар,
Эзгу куйим энди айтарман.

САЙЕР таржималари.

КЎЗГА КЎРИНМАС ҲАЁТ

Табиатда ҳамма нарса бир-бири билан ўзаро муносабатда ва узвий алоқададир. Бу ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳаётида айниқса яққол сезилади.

Барча жонзотлар бошқа турлар мавжуд бўлгандагина умр кечира олади. Демак, бири иккинчисига бевосита боғлиқ. Бунда бир организм иккинчисига фойда келтирадими ёки зарар етказадими, инобатга олинмайди. Табиатдаги моддалар алмашинуви ҳаёт асосини ташкил этади. Бу жараён барча организмлар ўртасидаги муносабат, жонли ва жонсиз табиатнинг мустаҳкам алоқаси туфайли кечади.

Бундай алоқа озиқланишда ҳам мавжуд. Турли хил, бир-бирига турдош бўлмаган ҳайвонлар ва организмлар озиқланиш халқаси билан боғланган. Масалан, балиқлар чивинларнинг личинкалари билан озиқланса, қушлар турли хил ҳашоратларни ейди. Майда қушлар эса йиртқичларга ем бўлади. Йиртқич қушларнинг ҳам қушандаси бор. Ўз навбатида пашша ва чивинлар ҳайвонлар қонисиз, сувсиз ва сувда яшовчи организмларсиз яшаб, кўпая олмайди.

Организмларнинг тарихан юзага келган ҳаётий алоқалари бирламчи, инсон фаолияти таъсирида пайдо бўлган алоқалар эса иккиламчи биоценозлар ёки агробиоценозлар ҳисобланади.

Пахта агробиоценози ёки пахта майдонларидаги ҳашарни озиқланиш алоқалари қандай?

Пахта майдонларида 300 га яқин бўғиноёқли организмлар (ҳашаротлар, каналар ва ҳоказо), кўплаб микроорганизмлар яшаши аниқланган. Ғўзалар улар учун асосий овқат ролини ўйнайди. Ерда яшовчи микроорганизмлар бир-бири билан тупроқ орқали боғланган. Ўсимликни ейдиган ҳашорат — фитофаглар ҳаёти ғўзага, ўз навбатида ҳашаротларни истеъмол қилувчи энтомофаглар ва йиртқич зараркунандалар ҳаёти эса бевосита фитофагларга боғлиқ. Уларни ҳам бошқа йирик ҳашаротлар йўқ қилади. Ўсимликларни ейдиган, фойдали турлар ва паразитларини патоген микроорганизмлар, йирик жонворлар, айниқса қушлар қириб, йўқ қилади.

Пахта агробиоценозидаги озиқланиш алоқасида зарарли организмлар озчиликни ташкил қилади. Пахта майдонларида яшайдиган турларнинг тахминан 70—80 проценти фойдали, қолганлари эса нейтрал организмлар ҳисобланади. Уларнинг пайдо бўлиши бирданига эмас, балки аста-секин, муайян изчиллиқда кечади. Масалан, чигит униб чиққандан кейин ўсимлик ейдиган турлар (шира, ўргимчакқана, тунлам) кўчатларга кўчиб, улар билан озиқлана бошлайди. Кейинчалик фойдали турлар — энтомофаглар зараркунандалар эндигина кўпая бошлаганда пайдо бўлади. Уларнинг ҳаммаси ҳотирамизда абадий сақланиб қолади, — деди Арманистон ССР Давлат рақс ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери, Арманистон ССР халқ артисти Ануш Ханамерян. — Программамизнинг янги номери Беруний райони деҳқонларининг, Қорақалпоғистон барча меҳнатчиларининг меҳнатига туҳфа бўлади.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Нашр этилаётган ушбу мақолада ҳаётимизнинг ҳеч бир соҳасини ўзаро алоқадорликсиз, ҳеч бир ҳодисани ҳеч бир ҳодисадан ажратмасдан, ҳеч бир ҳодисанинг ҳеч бир ҳодисага таъсирини инкор этмасдан, ҳеч бир ҳодисанинг ҳеч бир ҳодисага таъсирини